

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

1 -сон

Гулистон шаҳар

2022 йил “21” 12

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Сирдарё вилояти ИИБ номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи С.Б.Джаббаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «ДАЛЕР-РАУФ-ҲАМКОР» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Н.Н.Бўронов иккинчи томондан Сирдарё вилояти ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ биносини капитал таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

### 1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

**“ижро ҳужжатлари”**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**“қурилиш майдони”**: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вақтинчалик ишлар”**: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”**:- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш**: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ 30 (ўттиз) кунда ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов (тендер) натижасида аниқланган ва танлов ҳайъати комиссиясининг қарори (2022 йил “16” декабрдаги “\_\_\_/\_\_\_ сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 181 200 000 (бир млрд бир юз саксон бир миллион икки юз минг) сўмни ташкил этиб, **шундан 2022 йил учун 500 000 000 (беш юз миллион сўм), 2023 йил учун 622 140 000 сўм, жумладан 5% тўлов учун – 59 060 000 (эллик тўққиз миллион олти миш минг) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортқика ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- “ ” иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тендер натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кунни ташкил этади.**

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **15% миқдориди, аванс ўтказади, бу 75 000 000 (еттмиш беш миллион сўм)ни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бухақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг

талаби бўйича Пудратчи **Буюртмачининг** кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи **Буюртмачининг** манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни **Буюртмачининг** розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

27. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни **Буюртмачига** тўлайди.

28. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини **Буюртмачи** томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

29. Агар **Буюртмачи** ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда **Буюртмачи** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ

30. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект **Буюртмачи** томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

31. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун **Буюртмачи** жавоб беради.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

32. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

33. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва **Буюртмачи** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

34. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

35. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект **Буюртмачининг** мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

36. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

37. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

### ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 38. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 39. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

40. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

41. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

42. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

43. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Шартнома Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

### ХV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

44. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

45. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 5 %идан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

46. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

47. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда

пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 %идан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

48. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

49. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

50. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

51. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

52. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

53. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

54. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

55. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

56. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган

SIRDARYO VILOYATI IIB  
TASHKILIY DUSHCARMA  
YURIDIK AMALDAGI QONUN  
SHARTNOMANING SHARTLARI  
NUسخADA TUZILADI.  
SHARTNOMA BELGILANGAN  
HOLDA TUZILGAN

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

### Буюртмачи:

Bank: **SIRDARYO VILOYATI IIB**  
I. Karimov ko'chasi 4-uy Tel: 225-26-24  
X/P: **X/P: 40101080240000000000**  
MFO: **Bank XKKM**  
OKЭД: **41202** INN: **5 MFO: 00023**  
Рахбар:   
M.Y. 

### Пудратчи:

«ДАЛЕР-РАУФ-ХАМКОР» МЧЖ  
ЮРИДИК МАНЗИЛ: Гулистан шаҳри  
Дўстлик, Чўлпон кўчаси 37-уй  
БАНК: АТ «Қишлоқ қурилиш банк»  
Гулистон шаҳар бўлими  
X/P: 20 208 000 904 570 259 001  
MFO: 01 037  
ИНН: 300 087 643 ОКЭД: 41 202  
РАХБАР: Бўронов Нўмонжон Неъматович  
M.Y. 



2022 йил " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли пудрат шартномага  
2-илова

**МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

Объект: Сирдарё вилояти ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ биносини капитал таъмирлаш

Пудратчи ташкилот: "ДАЛЕР-РАУФ-ХАМКОР" МЧЖ

Шартнома қиймати: 1 181 200 000 сўм

Фойдаланишга топшириш муддати: 30 кун

(минг сўмда)

1	МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ	ЖАМИ	МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ		
			2022 ЙИЛ	ШУНДАН	2023 ЙИЛ
				ДЕКАБР	
1	2		3	4	
	АВАНС 15 %	177 180,000	75 000,000	75 000,000	102 180,000
	ЖОРИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ 85%	1 004 020,000	425 000,000	425 000,000	579 020,000
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>1 181 200,000</b>	<b>500 000,000</b>	<b>500 000,000</b>	<b>681 200,000</b>

ПУДРАТЧИ:



БУЮРТМАЧИ:



2022 йил " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли пудрат шартномага  
1-илова

**И Ш Л А Р Н И   Б А Ж А Р И Ш   Ж А Д В А Л И**

**Объект:** Сирдарё вилояти ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ биносини капитал таъмирлаш

**Пудратчи ташкилот:** "ДАЛЕР-РАУФ-ХАМКОР" МЧЖ

**Шартнома қиймати:** 1 181 200 000 сўм

**Фойдаланишга топшириш муддати:** 30 кун

(минг сўмда)

№	НОМИ	ЖАМИ 2022 ЙИЛ УЧУН	шундан	ЖАМИ 2023 ЙИЛ УЧУН	ХАММАСИ
			ДЕКАБР		
1	2	3	4	5	
1	УМУМИЙ КУРИЛИШ ИШЛАРИ	434 782,609	434 782,609	592 347,826	1 027 130,435
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>434 782,609</b>	<b>434 782,609</b>	<b>592 347,826</b>	<b>1 027 130,435</b>
	ҚҚС 15%	65 217,391	65 217,391	88 852,174	154 069,565
	<b>ХАММАСИ:</b>	<b>500 000,000</b>	<b>500 000,000</b>	<b>681 200,000</b>	<b>1 181 200,000</b>

ПУДРАТЧИ:



БҮЮРТМАЧИ:



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"DALER-RAUF-XAMKOR" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektlarining to'liq nomi

"DALER-RAUF-XAMKOR" MCHJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

300 087 643

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

21.12.2006

236

Sana

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Faoliyat yuritadigan manzil:

SIRDARYO VILOYATI, GULISTON SHAHRI, DO`STLIK, CHO'L PON KO'CHASI

Tomonidan berilgan:

GULISTON SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI



339002





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN  
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA  
GUVOHNOMA**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО  
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА  
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

**QQS RO'YXAT RAQAMI  
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 324100023615**

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi **ДАЛЕР-РАУФ-ХАМКОР Х.Ф.**  
Наименование налогоплательщика

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami **300087643**  
Идентификационный номер налогоплательщика

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana **01.01.2019**  
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС

Ro'yxatdan o'tish sanasi **04.01.2019**  
Дата регистрации



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.  
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Сирдарё вилояти ИИБ М ва МТТБ” бошлиғи Харид комиссияси раиси**

**Х.У.Газиев**

**Сирдарё вилояти ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ биносини капитал таъмирлаш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш(тендер) йиғилиши**

**БАЁННОМАСИ № 14**

**20.12.2022 йил/соат 14-00**

**Гулистон шаҳар**

Танлов савдолари мажлисида “Сирдарё вилояти ИИБ”нинг 2022 йил 26 июндаги №91-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия аъзолари катнашдилар:

1.	Х.У.Газиев	-	“Сирдарё вилояти ИИБ М ва МТТБ” бошлиғи, комиссия раиси.
<b>Комиссия аъзолари:</b>			
2.	Э.Хасанов	-	Сирдарё вилояти ИИБ МТХ бошлиғи.
3.	Ш.Мухитдинов	-	Сирдарё вилояти ИИБ МТТБ бошлиғи.
4.	Б.Ахмедов	-	Сирдарё вилояти ИИБ НТИ тафтишчиси.
5.	У.Тожибоев	-	Сирдарё вилояти ИИБ М ва МТТБ ТХ катта муҳандиси.
<b>Комиссия котиби:</b>			
6.	Х.Умиров	-	Сирдарё вилояти ИИБ М ва МТТБ ҚТБ бошлиғи. (овоз бериш ҳуқуқисиз)

**КУНТАРТИБИ:**

1.

**Сирдарё вилояти ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ биносини капитал таъмирлаш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарорига асосан баёнинг ижросини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифлар асосида танлаш ўтказилиши тўғрисида 2022 йил 06 декабрь куни «etender.uzex.uz» сайтига № 22110012207529-сонли лот билан эълон берилди.

Мазкур объект бўйича танлов ғолиби аниқланиб харид комиссиясининг 2022 йил 16 декабрь кунида баённома расмийлаштирилиб, икки иш кунига электрон тизимга муҳокама қилиш учун жойлаштирилди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот(лар)да иштирок этмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу ЛОТ: 207529 сонли лот рақами бўйича танлов комиссиясининг баённомаси

юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.


Овозга қўйиш натижасига кўра 5 та овоз билан “Далер-рауф-хамкор” МЧЖ ғолиб чиқди.  
Баҳоловчи комиссия аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар билдиришиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Сирдарё вилояти ИИБ ХПБ ВЕИХЁКМ биносини капитал таъмирлаб бериш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш орқали “Далер-рауф-хамкор” МЧЖ томонидан таклиф этган нархи 1 181 200 000 (ҚҚСбилан) сўмга танлов ғолиби деб топилсин.
3. Қарорнинг 100-моддаси бўйича икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги учун “Далер-рауф-хамкор” МЧЖ билан шартнома тузилсин.
4. Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш ВИИБ М ва МТТБ ҚТБ бошлиғи Х.Умировга топширилсин.

### Имзолар:

Комиссия аъзолари:



Э.Хасанов

Ш.Мухитдинов

Б.Ахмедов

У.Тожибоев

Х.Умиров

Комиссия котиби:

1	Ишонг ИИБ Тиббиёт бўлими	2021	1 467 724.1	1 462 214.5	1 389 103.8	73 110.7	73 110.2	0.0	№ 03/03 02.03.2021Й	"ШОХРУХ BUNYODKOR"ХК	№ 3182 02.07.2021Й
1	Ишонг ИИБ ПДХЖАЖТСБ биноси	2021	1 414 396.1	1 409 545.6	1 339 069.0	70 476.6	70 476.6	0.0	№ 03/04 02.03.2021Й	"ШОХРУХ BUNYODKOR"ХК	№ 3184 02.07.2021Й
1	Буюртмачи харажатлари						160 000.0	0.0			
1	Ишонг ИИБдаги <b>ИИБ</b>	2021	<b>2 050 212.5</b>	<b>1 638 352.5</b>	<b>1 402 122.6</b>	<b>226 229.8</b>	<b>210 432.0</b>	<b>0.0</b>	№ 745/220 30.12.2020Й	"Саволат" МЧК	28.06.2021Й 2482-сон Балиги
1	Ишонг Академик лицейи саб қилдиони	2021	486 997.2	450 361.6	426 519.6	23 842.0	19 297.4	0.0	№93/21 11.01.2021Й	"Ушарффар ширкати ройтисери" МЧК	23.06.2021Й 2407-сон Балиги
1	<b>Наманган вилояти ИИБ</b>		<b>11 330 466.0</b>	<b>11 135 948.1</b>	<b>4 092 318.6</b>	<b>7 043 629.5</b>	<b>6 833 020.0</b>	<b>260 609.1</b>	№ 808-9/2020 21.12.2020Й	Наманган ВИББ "Қурлиш таъминлаш групуи" ДУК	№ 53 24.06.2021Й
1	Учқурдон тумани ИИБ биноси	2021-2022	5 299 045.3	5 212 182.9	1 260 370.8	3 951 812.1	3 691 203.0	260 609.1	№ 809-9/2020 21.12.2020Й	"Соф таъмир лозе" МЧК	№ 37 28.04.2021Й
2	Доп тумани ИИБ ВСХ	2021-2022	500 575.7	490 077.7	331 800.0	158 277.7	158 277.7	0.0	№ 807-9/2020 21.12.2020Й	Наманган ВИББ "Қурлиш таъминлаш групуи" ДУК	№ 51 24.06.2021Й
3	Чугатумани ИИБ биноси	2021-2022	2 597 517.7	2 547 920.7	1 565 930.9	981 989.8	981 989.4	0.0	№ 805-9/2020 21.12.2020Й	Наманган ВИББ "Қурлиш таъминлаш групуи" ДУК	№ 52 24.06.2021Й
4	Вилоят ИИБ МТ ва ХХ АЛЕКОШ	2021-2022	1 700 370.0	1 662 252.3	398 521.1	1 263 731.2	1 263 731.2	0.0	№ 804-9/2020 21.12.2020Й	Наманган ВИББ "Қурлиш таъминлаш групуи" ДУК	№ 42 17.05.2021Й
5	Вилоят ИИБ МТ ва ХХ АЛЕКОШ	2021-2022	1 232 957.3	1 223 514.5	535 695.8	687 818.7	687 818.7	0.0	№ 160/11-2020 9.01.2020Й	"Шабар Буюк Дир" МЧК	№ 3917 24.08.2021Й
	Буюртмачи харажатлари						30 000.0	60 757.7			
	<b>Қашқадарь вилояти ИИБ</b>		<b>7 369 570.7</b>	<b>6 385 787.3</b>	<b>2 715 421.6</b>	<b>3 670 365.7</b>	<b>3 709 608.0</b>	<b>60 757.7</b>	№ 160/11-2020 9.01.2020Й	"QASHQADARIYO GRANT BUNYODKOR QURUVCHI" МЧК	№ 3808 24.08.2021Й
1	Дехканбоб тумани ИИБ биноси	2021-2022	1 838 740.9	1 646 051.3	877 904.8	768 146.5	768 146.5	0.0	№ 160/11-2020 9.01.2020Й	"АН" ХК	№ 3320 29.10.2021Й
2	Миршикор тумани ИИБ биноси	2021-2022	1 544 909.6	1 296 077.4	639 339.6	636 717.8	636 717.8	0.0	№ 262-9/2020 30.12.2020Й	"225 Хужаликларро Меъназиллаштириш Куччаси Колония" МЧК	№ 3912 24.08.2021Й
3	Миршикор тумани ИИБ спорт зал	2021-2022	1 397 434.7	1 215 160.6	173 160.4	1 042 000.2	981 242.5	60 757.7	№ 169-н-2020 30.12.2020Й	"АН" ХК	№ 3320 29.10.2021Й
4	Вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими	2021-2022	2 568 485.6	2 228 498.0	1 004 996.8	1 223 501.2	1 223 501.2	0.0	№ 16-2022/99 29.03.2022Й	"ВОТИР АЛ" ХК	№ 5966 13.12.2021Й
	Буюртмачи харажатлари						100 000.0	1 375 224.9			
	<b>Сулҳондарь вилояти ИИБ</b>		<b>4 045 246.3</b>	<b>1 904 121.9</b>	<b>0.0</b>	<b>0.0</b>	<b>2 308 916.0</b>	<b>1 280 019.0</b>	№ 15-2021 02.03.2021Й	"ВОТИР АЛ" ХК	№ 5966 13.12.2021Й
1	Вилоят ИИБ ВЕЛОСИ КМ	2022-2023	1 780 019.0				500 000.0	1 280 019.0	№ 0085/2022 13.09.2022Й	"АНБОК-ШОХРУХ SERVIS" МЧК	№ 3282 01.07.2021Й
2	Кушқурдон тумани ИИБ	2021-2022	2 265 227.3	1 904 121.9	0.0	0.0	1 808 916.0	95 205.9	№ 25-12/20-11 25.12.2020Й	"АНБОК-ШОХРУХ SERVIS" МЧК	№ 3281 01.07.2021Й
	Буюртмачи харажатлари						0.0	232 499.5			
	<b>Самарқанд вилояти ИИБ</b>		<b>4 661 984.0</b>	<b>4 649 990.5</b>	<b>500 000.0</b>	<b>4 149 990.5</b>	<b>3 917 491.0</b>	<b>232 499.5</b>	№ 1039-2020 21.12.2020Й	"QOSHIRABOT TRANS STRUY" МЧК	№ 4101 20.08.2021Й
1	Кушқурдон тумани ИИБ	2021-2022	4 661 984.0	4 649 990.5	500 000.0	4 149 990.5	3 917 491.0	232 499.5	№ 0085/2022 13.09.2022Й	"АНБОК-ШОХРУХ SERVIS" МЧК	№ 3282 01.07.2021Й
1	<b>Сиддарь вилояти ИИБ</b>		<b>5 463 708.0</b>	<b>3 915 166.8</b>	<b>2 422 164.0</b>	<b>1 483 002.8</b>	<b>2 161 306.0</b>	<b>793 284.8</b>	№ 0085/2022 13.09.2022Й	"АНБОК-ШОХРУХ SERVIS" МЧК	№ 3282 01.07.2021Й
1	Вилоят ИИБ ВЕЛОСИ КМ	2022-2023	1 181 587.8				500 000.0	681 587.8	№ 0085/2022 13.09.2022Й	"АНБОК-ШОХРУХ SERVIS" МЧК	№ 3282 01.07.2021Й
2	Тушентон шаҳар ИИБ (5% қолдиқ)	2021	1 930 547.9	1 681 225.3	1 597 164.0	84 061.3	84 061.5	0.0	№ 600/49/2021 19.03.2021Й	"АНБОК-ШОХРУХ SERVIS" МЧК	№ 3282 01.07.2021Й
3	ВИББ харатиш 13-сонли "Буюртмачи" бошқарув бичмаси	2021-2022	2 351 572.4	2 233 941.5	825 000.0	1 408 941.5	1 297 244.5	111 697.0	№ 3118/2020 20.12.2020Й	"DEGREZ QURILISH SERVIS" МЧК	№ 3281 01.07.2021Й
	Буюртмачи харажатлари						280 000.0				
	<b>Фарғона вилояти ИИБ</b>		<b>8 499 119.4</b>	<b>8 494 804.5</b>	<b>3 104 500.0</b>	<b>5 390 304.5</b>	<b>5 024 564.0</b>	<b>365 740.5</b>	№ 08-2/21 06.02.2020Й	УК "Бунётов Қамқон Қурлиш"	05.04.2021Й 18-сонли шартнома
1	Вилоят ИИБ асосий биносини фасш иқсоми	2021-2022	7 314 804.5	7 314 804.5	2 197 500.0	5 117 304.5	4 751 564.0	365 740.5	№ 20-06/22-01 30.06.2022Й	УК "Бунётов Қамқон Қурлиш"	09.04.2021Й 20-сонли шартнома
2	Вилоят ИИБ харатиш "Юсуфчи" МТМ	2021-2022	1 184 314.9	1 180 000.0	907 000.0	273 000.0	273 000.0	0.0	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	УК "Бунётов Қамқон Қурлиш"	09.04.2021Й 20-сонли шартнома
	<b>Қорағдиқ вилояти ИИБ</b>		<b>5 835 884.3</b>	<b>5 300 939.2</b>	<b>1 540 277.3</b>	<b>3 760 661.9</b>	<b>3 548 222.0</b>	<b>242 440.0</b>	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	"ОРАЗ ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ МЧК	№ 16 28.07.2021Й
1	Ғурали тумани ИИБ	2021-2022	1 326 846.9	1 189 402.9	357 750.6	831 653.3	772 182.3	59 470.0	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	"ОРАЗ ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ МЧК	№ 3590 31.07.2021Й
2	Ғурали тумани ИИБ М ва ФОРБ биноси	2021-2022	453 317.9	452 135.5	228 856.0	222 269.5	222 269.5	0.0	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	"ОРАЗ ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ МЧК	№ 16 28.07.2021Й
3	Шовот тумани ИИБ	2021-2022	1 471 299.2	1 318 922.5	210 000.0	1 108 922.5	1 042 976.5	65 946.0	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	"ZAMIN QURILISH TRANS SERVICES" МЧК	№ 3595 31.07.2021Й
4	Турроққала тумани ИИБ	2021-2022	1 333 397.0	1 196 927.2	401 157.1	795 770.1	735 924.2	59 846.0	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	"BANKOR LUKS QURILISH" МЧК	№ 3592 31.07.2021Й
5	Вилоят ИИБ ПТХ ва ЖТСБ биноси	2021-2022	1 270 624.4	1 143 561.1	342 513.6	801 047.5	743 869.5	57 178.0	№ 37-12/20-11 25.12.2020Й	"XIVA QURILISH KOMPLEKS" МЧК	№ 3591 31.07.2021Й
	Буюртмачи харажатлари						30 000.0				